

(1453 – Самарканд – 1495-йил)
(1494-1498)

Самарканд хокими (1494-1498). Темурийлардан. Абу Саид мирзонинг 3-ўгли. Отаси даврида Астробод вилояти хокими. Абу Саид Мирзо вафоти (1469)дан сўнг Термиз, Чағониён, Хисор, Хатлон, Кудуз, Бадахшон ва Хиндикуш тоғларигача бўлган ерлар унинг тасарруфига ўтган. Акаси Султон Ахмад Мирзонинг вафоти (1494)дан сўнг эса, Самарканд тахтига ўтирган. У зулмни хаддан оширгани учун мамлакатнинг катта кичик аслзодалари, сипохийлар ва оддий халк ҳар тарафга таркалиб коча бошлаган. Султон Махмуд Мирзо тахтга даъвогар бўлиб келган амакиваччаси Малик Муҳаммад Мирзо ва у билан бирга келган мирзоларни катл эттирган. Султон Махмуд Мирзо ўз ҳукмронлиги даврида 2 марта Хусайн Бойқаро билан жанг қилиб, иккаласида ҳам мағлуб бўлган. Бобурнинг Султон Нигор хоним исми ҳолиси унинг 4-хотини.